

General

Languages

Название: \*

Кузатув кенгашининг мустақил аъзол

An type: \*

Конкурсы и тендеры

Body: \*

- 
- 
- 
- 
- 
- 
- 
- 

**“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига**

**номзодларни кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш тўғрисида**

**ЭЪЛОН**

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “**Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси**”  
**деб номланган 76<sup>1</sup>-моддасида** акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига  
киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50  
фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгashi таркибига камида бир нафар мустақил  
аъзо киритилиши кераклиги, бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар  
жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан, коида тарикасида, акциядорлар умумий йигилиши  
кўриб чиқishi учун танлов асосида кўрсатилиши белгиланган.

Куйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган  
шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори,  
иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб  
берувчиси билан фуқаролик-хукуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва  
етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг иккى минг бараваридан кўп бўлган  
суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб  
берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган  
шахс, бундан кузатув кенгashi аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини  
таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган  
шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичida уларга аъзо бўлган шахснинг  
эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи),  
туғишган ва ўгай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;  
давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

Бунда, жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиш учун танловда иштирок этувчи шахс Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 январда 2755-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлиши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлар 2023 йил 1 сентябрга қадар шахсий ҳужжатларини жамиятнинг [clangren@bk.ru](mailto:clangren@bk.ru) электрон манзил орқали тақдим этишларини мумкинлиги тўғрисида маълум қиласиз.

Танловда иштирок этувчи кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар “Ангрен логистика маркази” АЖ фаолияти билан яқиндан танишиш учун Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурӣ биносида иш кунлари соат 10:00дан соат 17:00гача ёки жамиятнинг 78-150-10-30, 78-150-50-90 телефонлари, [www clangren uz](http://www clangren uz) расмий веб-сайти орқали танишиш мумкин.

#### Кузатув кенгashi

Ссылка на объявление на сайте эмитента: *	<input type="text" value="www clangren uz"/>	
Статус:	Подтверждено	
Pub date: *	Дата: <input type="text" value="18.07.2023"/> <a href="#">Сегодня</a>	
	Время: <input type="text" value="15:03:03"/> <a href="#">Сейчас</a>	